

МАЪНАВИЙ ЭХТИЁЖЛАР – давлат, жамият ва шахсининг барқарор турмушида моддий эҳтиёжлардан бошқа маънавий талаблар, манфаатлар ва эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилишини ифодаловчи т. М.э. ижтимоий , сиёсий, фал-й, илмий, ахлоқий диний, ҳуқуқий ва б. йўналишларда аниқ намоён бўлади. Шу боисдан, М.э. ижтимоий онг шаклларига таянадиган фаол ҳаракат асосида таъминланади. М.э.нинг қондирилмаслиги жамият барқарор ҳаётида турли бузғунчи ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келиши айрим ҳолларда давлат ва жамият ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Бундай вазиятда М.э. тарзида намоён бўлган талаблар ва манфаатларни босқичма-босқич қондирилиши билан ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мумкин. Халқимиз турмуш тарзида М.э. кадр ва кадрлаш мезонлари орқали анмоён бўлади. Жамият ва инсоннинг ижтимоий алоқаларида кадр-қиммати, ор-номусига нисбатан қилинган нотўғри муносабат ёки ҳаракат маъ-ят мезонларига зиддир. Шу маънода, “Қорнимга эмас, кадримга йиғлайман”, деган халқ мақоли унинг маънавий эҳтиёжларини ифодалайди. М.э.нинг моддий эҳтиёжлар билан ўзаро уйғунлиги ҳар бир даврнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган тарихий зарурат ҳисобланади. Бу борада “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлангани каби, “... турмушда ҳамма нарсанинг ўрнини ҳаётий зарурат белгилайди. Ҳаётий зарурат бўлмаса, маънавий эҳтиёж бўлмаса, бошланган ишлардан бирон-бир самарали натижалар кутиш амримаҳол”. Истиқлол йилларида ана шу зарурат ва эҳтиёждан келиб чиқиб, халқимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқариш, мустақил давлатчилик асосларини бунёд этиш учун кенг имкониятлар яратилди, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, халқимизнинг бой тарихий мероси, анъаналари, ижтимоий қадриятлари, давлат қурилиши борасида ривожланган мам-тлар эришган тажрибага таяниб, миллий давлатчилигимиз пойдевори қўйилди. Бугунги кунда мам-тимиз аҳолининг барча моддий ва М.э.ини таъминлашга қаратилган туб ўзгаришлар, инсон манфаатига хизмат қиладиган ислохотлар, бозор иқтисодиётига асосланган адолатли жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич илгарилаб бормоқда